

AGRO

IQTISODIYOT



3-4
2021

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

МУНДАРИЖА

3. **Т.ФАРМАНОВ, Н.АСКАРОВ, З.ФАРМОҶОВА.** Дукқакли дон экинларини етиштиришда қўшилган қиймат занжирининг шаклланиши ва уни ошириш йўллари
7. **Ғ.ДУСМУРАТОВ.** Аграр илмий тадқиқотларда давлат-хусусий шерикчилик механизмлари
11. **Х.ХУЖАКУЛОВ.** Аграр секторда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолати ва динамикасининг статистик таҳлили
14. **С.ГАППАРОВ, А.МИРЗАЕВ.** Томчилатиб суғориш технологияси самарадорлигини баҳолаш бўйича дала тадқиқотлари
17. **М.ЭРХОҶОВА.** Ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимида хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш
20. **К.КАЛЕНОВ, Б.КАЛИМБЕТОВ.** Финансовое значение сельскохозяйственного страхования
23. **Б.МАМАТКУЛОВ.** Фермер хўжалиги фаолиятини статистик тадқиқ этиш - озиқ - овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилли
27. **З.АЛЛАБЕРҶАНОВ.** Суғурта тизимида ўзаро суғурталаш амалиётини ривожлантиришнинг илмий асослари
30. **G.SAMIYEVA.** Dehqon xo'jaliklarida ishlab chiqarishni diversifikatsiyalash istiqbollari
33. **А.АБДУЛЛОВ, Н.ОДИНАЕВА, М.ТЕШАЕВ.** Фермер хўжаликларида кооперация муносабатларини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш
36. **Ғ.БАЙМУРАТОВА.** Суғурта ташкилотларининг молиявий рискларини баҳолаш: концептуал ёндашувлар
38. **Қ.ЖУМАЕВ, Х.ХУЖАКУЛОВ.** Республика аграр сектори ривожланишининг статистик таҳлили
42. **Ж.ФАРМАНОВ.** Асаларичилик тармоғини ривожлантиришда Хитой тажрибаси ва уни мамлакатимиз шароитида жорий этиш имкониятлари
45. **У.ЗАЙНУТДИНОВА.** Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш методологисини такомиллаштириш
48. **Қ.УТЕГЕНОВ.** Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шериклигининг лизинг модели
51. **О.БАҶОЕВ.** Молиявий барқарорликни таъминлашнинг долзарб масалалари
54. **С.ГАББАРОВ.** Яйловлар самарадорлигини оширишда ахборот технологияларнинг тутган ўрни
56. **Б.МЕНГЛИКУЛОВ, Ф.ЭРҶАШЕВА.** Хусусий капитал таҳлилин ташкил этиш ва капиталнинг ўсишини таъминлаш йўллари
59. **Ш.ДЕҶҚАҶОВА, Н.МУСАЕВА.** Мамлакатимизда картошка етиштириш ва уни сотишнинг долзарб масалалари
62. **Н.ЯКУБОВА.** Бизнес-процесс в страховой деятельности во взаимосвязи с глобальными трендами: специфика и оптимизация
66. **Л.НУРИДДИНОВ.** Тадбиркорларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари, уларни амалга ошириш ва тижорийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари
69. **D.SABIROVA.** Iqtisodiyotni raqamlashtirish - davr talabi
72. **Ж.ИСАКОВ, У.ЭЛЬБУСИНОВА, Н.БОЗОРОВА, А.НУРМУҶАММЕДОВ.** Яширин иқтисодиётнинг молия-кредит тизимига таъсирининг таҳлили
74. **А.УМУРЗАКОВА.** Ўзбекистон банкларида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари
77. **А.ҚОДИРОВ.** Худудларда экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий самарадорлигини баҳолашга услубий ёндашув
80. **М.ДУСТОВА, Ж.ФАРМАНОВ.** Фермер хўжаликларида агросервис хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
84. **А.ВОЛТАҶЕВ, У.КАРАҶЕВА.** Hisob siyosati va unda biologik aktivlar hisobiga oid siyosatni takomillashtirish
87. **Ғ.БАЙМУРАТОВА, Н.ЯКУБОВА.** Молиявий рискларни баҳолаш усуллари ва бошқарув ёндашувлари
90. **Ж.РАЗЗАҚОВ.** Инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштиришни такомиллаштириш
93. **З.ИШНИЯЗОВ.** Пахта хом-ашёсини етиштиришда иқтисодий самарадорликни ошириш йўналишлари
95. **О.АЗИЗОВ.** Истеъмол инфляциясининг ўлчов даражаси: Хориж тажрибаси ва таҳлил
98. **М.БАБАДЖАҶОВА.** Иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига таъсири таҳлили
101. **А.ТУРСЫНОВ.** Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш борасидаги хориж тажрибаси
104. **Н.ХАЛЛИЕВА.** Ўзбекистонда демографик жараён ва аҳоли бандлигининг ўзига хос жиҳатлари
107. **Х.ЯКУБОВА.** Деҳқон хўжаликлар ва томорқа ер эгаларини имтиёзли кредитлашнинг объектив зарурлиги
110. **А.УМУРЗАКОВА, А.УМУРЗАКОВ.** Ўзбекистонда банклар фаолиятини инновацион ривожлантириш
113. **Э.РАББИМОВ.** Рақамли иқтисодиёт шароитида реклама хизматлари бозорини ривожлантиришнинг институционал асослари
117. **Н.МУСАЕВА, Ш.ДЕҶҚАҶОВА.** Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш
120. **Ф.ПОЛВОҶОВ.** Деҳқон хўжаликларида етиштирилётган мева-сабзавот маҳсулотларининг қишлоқ хўжалигидаги улуши
122. **И.БАКИЕВА.** Агросаноат мажмуасининг рақобатбардошлигини оширишда инновацион ривожланишнинг ўрни
124. **Ж.РОЗИҚОВ.** Мева-сабзавотчилик кластерлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасининг таҳлили
127. **Б.ХАЖИЕВ.** Кластер-интеграциянинг янги шакли, замонавий инновация, таваккалчиликни камайтириш ва иқтисодий ўсиш омилли
130. **Ш.ҚАРШИЕВ.** Озиқ - овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари
132. **И.ЗИЯДУЛЛАЕВ.** Қишлоқ хўжалигига инновацион маҳсулотларни жалб этиш муаммолари
134. **А.МУХТОРОВ, З.МУХТОРОВА.** Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари

2-jadval. Qashqadaryo viloyati dehqon xo‘jaliklarida dehqonchilik mahsuloti ishlab chiqarishning prognoz ko‘rsatkichlari, (ming tonna hisobida)

Yillar	2020		2021		2022		2023		2024	
	Y ₁	Y ₂	Y ₁	Y ₂	Y ₁	Y ₂	Y ₁	Y ₂	Y ₁	Y ₂
O‘lchov birligi										
Don	160,9	163,2	164,5	168,0	168,1	172,9	171,7	178,0	175,3	183,3
Kartoshka	111,8	186,0	118,4	202,1	125,3	219,0	132,7	236,9	140,4	255,6
Sabzavot	466,9	416,1	504,1	445,4	543,2	476,7	584,2	510,2	627,1	546,1
Poliz	95,6	89,7	102,8	96,2	110,4	103,2	118,2	110,6	126,5	118,7
Meva, rezavorlar	85,2	82,0	92,4	87,0	100,0	92,0	108,0	96,7	116,3	101,3
Uzum	63,0	64,4	70,7	71,5	78,9	79,0	87,9	87,0	97,5	95,4

hajmi ko‘paymoqda, demak, ishlab chiqarishni diversifikatsiyalash ham ushbu ko‘rsatkichlarga ijobiy ta‘sir etadi.

Hosil bo‘lgan modellar orqali prognoz ko‘rsatkichlar ikki xil variantda (Y₁; Y₂) berilmoqda. Chunki qishloq xo‘jaligi mahsuloti ishlab chiqarish hajmi bashorat bo‘yicha shu ikki raqam oralig‘ida tebranishda bo‘ladi. Bu esa quyidagi 1, 2 –jadvallarda aks ettirilgan.

Yuqoridagi jadvallar ma‘lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, Qashqadaryo viloyati dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalarida prognoz natijalariga qaraganda, istiqbolda qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi ortadi.

Ushbu prognoz natijalari dehqon xo‘jaliklaridagi barcha qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish bilan birga ularning iste‘molini ham yuqori o‘shirish tendensiyasini ko‘rsatmoqda. Jumladan, dehqon xo‘jaliklarida don ishlab chiqarish 2018 yilga nisbatan 2024 yilda 1,15 martadan 1,20 martagacha; kartoshka 1:1,79 marta, sabzavot 1,4:1,7 marta; poliz 1,6:1,7 marta; meva va rezavorlar 1,5:1,8 marta; uzum 2:2,1 marta ko‘payadi.

Yuqoridagi o‘shirish sur‘atlari ekinlar hosildorligi, yangi tezpishar navlar yaratilishi, shuningdek, mahsulot turlarining ko‘payishi hisobiga erishiladi. Shuni ta‘kidlash lozimki, ekin maydonlari tarkibida o‘zgarishlar ham deyarli

sezilmaydi.

Chorvachilik mahsulotlari ishlab chiqarishda ham dehqon xo‘jaliklari o‘shirish sur‘atlariga egadir. Jumladan, go‘sht ishlab chiqarish 2024 yilda 2018 yilga nisbatan 1,5:1,6 marta, sut ishlab chiqarish 1,5:1,6 marta, tuxum 1,7:1,9 marta, jun 1,3:1,4 marta, qorako‘l teri 1,2:1,3 marta oshishi kutilmoqda.

Chorvachilik mahsulotlarini diversifikatsiyalash imkoniyatlari esa Qashqadaryo viloyatida kelgusida asalarichilik, yilqichilik, tuyachilik, zotdor echkichilik, quyunchilik, tuyaqushchilik va baliqchilik bilan oshirib borish rejalashtirilgan (3-jadval).

Dehqon xo‘jaliklarida noana‘naviy chorvachilik

3-jadval. Qashqadaryo viloyati dehqon xo‘jaliklarida noan‘anaviy chorvachilik yo‘nalishlari ko‘rsatkichlari, bosh

Yillar	Tuya	Yilqi	Zotdor echki	Zotdor quyon	Tuyaqush
2000	36	23130	160	0	0
2005	61	23401	365	80	0
2010	224	23711	581	356	0
2015	396	24001	810	756	7
2018	510	25349	3560	1204	32
2019	546	27100	3924	1892	46
2021	570	27625	4170	2360	78

yo‘nalishlarining tez sur‘atlar bilan rivojlanishi avvalo, mamlakatimizda ushbu sohani rivojlantirish borasida olib borilayotgan to‘g‘ri maqsadli choralar natijasidir. Dehqon xo‘jaliklarida noan‘anaviy chorvachilik yo‘nalishlarining rivojlanishida ushbu noan‘anaviy yo‘nalishlardagi serdaromadlilik, kam moddiy va mehnat sarf talab etishligi, hududning tabiiy mosligi, inson organizmiga foydali xususiyatlarining ko‘pligi kabi mezonlarga javob berganligi uchun ham talab yuqori hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti PF-4947-sonli Farmoni ilovasidan, 2017 y., 7 fevral.
2. Barqaror rivojlanish oliy maqsadimiz. Qashqadaryo viloyati hokimi ma‘ruzası . “Qashqadaryo” gazetasi, 2018 yil, sentabr.
3. Qashqadaryo viloyati qishloq xo‘jaligi bosh boshqarmasi ma‘lumotlari.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ИҚТИСОДИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аслиддин АБДУЛЛОЕВ,

Бухоро давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси мудири и.ф.ф.д., доцент

Нигина ОДИНАЕВА,

Бухоро давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси

Миролим ТЕШАЕВ,

Бухоро давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Фермер хўжаликларида кооперация муносабатларини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш тизимини такомиллаштириш масалалари баён этилган.

Аннотация. Описаны вопросы совершенствования системы экономической поддержки государственной кооперации в фермерских хозяйствах, переподготовки и повышения квалификации.

Abstract. The issues of improving the system of economic support of state cooperation in farms, retraining and advanced training are described.

Фермер хўжаликларини бирлашиб, ўзаро ҳамкорликда кооперация муносабатлари асосида фаолият кўрсатиши доимо юқори самарадорликни таъминлайди. Республика-мизда фермер хўжаликларини кўп тармоқли йўналишда ривожлантириш билан бир қаторда ҳудудий, ихтисослашган кластерларни ҳам ривожлантирилишига мамлакат раҳбари ва ҳукумати томонидан устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда.

Демак, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида ихтисослаштирилган кластер, жумладан пахта-тўқимачилик, уруғчилик, картошкачилик, шолчилик, мева-сабзавотчилик каби кластерлар ташкил қилиниши ривожланмоқда. Бу жараёнда фермер хўжаликлари ўртасида эмас, балки кластерлар фаолиятида, уларнинг ички ишлаб чиқариш, бошқариш, иқтисодий – молиявий муносабатларида кооперация механизмларини шакллантириш ва ривожлантириш зарур ҳисобланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини янада самарали ривожланиши ва унинг бозор шароитларига мослашишини таъминлаш катта аҳамиятга эга бўлиб, товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларини эркин рақобат асосида фаолиятини йўлга қўйиш учун амалда қўлланаётган иқтисодий, ҳуқуқий, молиявий ва бошқа механизмларни такомиллаштириш, янги замонавий йўналишларини жорий қилиш муҳим ҳисобланади.

Бу тадбирларда хўжалик субъектлари фаолиятида ишлаб чиқариш билан боғлиқ айрим харажатларни қоплаш, замонавий инновацион ва ресурстежамкор технологияларни импорт қилиш, экспортга йўналтирилган сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳамда бошқа шу каби долзарб масалаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш талаб қилинади.

Мана шу нуқтаи назардан, кооперация муносабатлари – бозор иқтисодиёти шароитида нафақат қишлоқ хўжалигини, балки иқтисодиётнинг турдош секторларини қишлоқ хўжалиги билан иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, экологик жиҳатдан боғлиқ ҳолда демократик ривожлантиришнинг реал омили ҳисобланади.

Ривожланган хориж давлатларида қишлоқ хўжалигида кооперацияга асосланган кооператив корхоналар билан ҳамкорлик қиладиган хизмат кўрсатиш, таъминот, сотиш, тайёрлов ва бошқа корхоналар давлат томонидан доимо иқтисодий механизмлар орқали қўллаб-қувватланади.

Тадқиқот жараёнида хориж давлатларида кооператив корхоналарни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизими таҳлил қилинди ва бир тизимга келтирилди.

АҚШ федерал қонунига биноан кооперативларни солиққа тортиш бир даражада, яъни кооператив ёки кооператив аъзоси солиққа тортилади.

Калит сўзлар: фермер хўжаликларида, кооперация, давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш

Кооперативлар балансига киритилаётган пул маблағлари кооперативларнинг даромад тоифасига киритилмайди ва шу боис солиққа тортилмайди.

Франция давлатида қишлоқ хўжалиги соҳаларда фаолият юритадиган кооперативлар фойдадан солиқ тўлашдан тўлиқ озод этилган. Шунингдек, қонунга биноан, асосий фаолият тури махсулотлар маркетинги, таъминот ва хизмат кўрсатиш ҳисобланган кооперативлар ўз аъзолари билан бўладиган иқтисодий муносабатлар натижасида олган даромаддан солиқ тўламайди. Аммо, айнан шу турдаги хизматлар кооперативга аъзо бўлмаган субъектларга кўрсатилса, олган даромади солиққа тортилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари қурилган ва қурилмаган ер участкалари учун солиқдан озод этилган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган кооперативлар, ҳамкорликда техникадан фойдаланиш, қорамолларни сунъий қочириш ҳамда ғаллачиликка ихтисослашган кооперативлар ўз фаолияти бўйича солиқ тўламайди, шунингдек, ўз капиталларини шакллантириш ва ошириш, учинчи шахс ҳисобланган жисмоний ва юридик шахс билан амалга оширилган жараёнлар-олди-сотди, ижара ва х.к.лар бўйича ҳам солиқ тўлашдан озод этилган.

Италияда кооператив ташкил этилгандан сўнг 10 йил мобайнидан барча солиқлардан тўлиқ озод этилади. Бундан ташқари кооператив ичида сотилган товар ва кўрсатилган хизматлар қўшимча қиймат солиғи тўлашдан ҳам озод қилинган.

Испанияда ҳукумат кооперативлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида улар учун солиқ ставкасини 18 фоиз қилиб белгиланган. Шунингдек, кооперативларни молиявий таъминотини яхшилаш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш тизими жорий этилган. Унга биноан Молия вазирлиги тижорат банклари томонидан кооперативларга ажратилган имтиёзли кредит билан эркин бозордаги кредит фоиз ставкаси орасида фарқни қоплаб беради.

Швецияда кооперативлар иккиламчи солиққа тортилмайди. Кооперативлар даромади даромад солиғини тўлагандан сўнг кооператив аъзолар ўртасида тақсимланадиган кооператив даромаддан солиқ олинмайди. Давлат томонидан кооперативларга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ерни сотиб олиш, ишлаб чиқариш биноларини таъмирлаш, йўл қурилиши, қишлоқ хўжалик техникасини харид қилиш бўйича кооперативларга

имтиёзли кредитлар ажратиб келинмоқда.

Данияда кооперативларни солиққа тортишда солиқ ставкаси 20 фоиз қилиб белгиланган. Вахоланки, хусусий тадбиркорлар учун ажратиладиган кредит фоиз ставкаси ўртача 50 фоизни ташкил қилмоқда.

Аргентинада кооперативларни ривожлантириш Агентлиги ташкил этилган бўлиб, унинг раҳбар-ҳодимлари ва мутахассислари ҳукумат томонидан тайёрланади. Ушбу Агентликнинг молиявий бюджети ҳукумат томонидан ажратилган субсидия ҳисобидан шаклланади. Кооперативлар инвестицион жозибадорликни ошириш ва инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида фақат соф даромаднинг маълум қисмидан солиқ тўлайди. Соф даромаддан солиқ ундирилмаган қисми кооперативнинг инвестиция фондини кўпайтиришга йўналтиради.

Японияда кооперативлар ҳукуматнинг аграр сиёсатини мамлакат миқёсида белгилайди ва юритади. Кооператив корхона махсулотлар нархларини тартибга солади, уларни барқарорлигини таъминлайди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига дотациялар ажратади, ўз ташкилотлари орқали қишлоқ хўжалигига умумий раҳбарлик қилади.

Мамлакатимизда янгидан ташкил қилинаётган кластерлар ва қишлоқ хўжалиги кооператив бирлашмалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида маълум бир муддатга давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари қўлланилмоқда. Чунки, янгидан ташкил қилинаётган кластерлар амалда тасдиқланган “Бизнес-режа” ёки келишилган “Йўл харита”ларига мувофиқ, ўзларига юклатилган мажбурият ва вазифаларни бажаришлари талаб қилинади ҳамда ўз навбатида, улар ушбу талабларни бажарилиши учун маълум бир муддат давомида давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватланишга муҳтож бўладилар.

Бунда янгидан ташкил қилинаётган кластерлар учун уларнинг қайси ҳудудда жойлашганлиги, ихтисослиги, бошланиш фазасидаги мавжуд аҳвол, фаолият йўналишини иқтисодиётда тутган ўрни ва бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда турли иқтисодий механизмлар билан қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, «Jizzax organic» масъулияти чекланган жамияти хусусий корхонаси, Сингапурнинг «Enter Engineering Pte.Ltd» компанияси (бош пудратчи) ва унинг субпудратчи ташкилотлари “ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича ускуналар, махсус транспорт воситалари,